

## САХИЙЛИК КОНЦЕПТИНИНГ ТУРЛИ ТИЛЛАРДАГИ ТАДҚИҚИ

Тухтаев Сирожддин Тошпўлатович,

М. Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети

Тошкент, Ўзбекистон

E-mail: jumayevau181@gmail.com

**Аннотация.** Мазкур мақолада саҳийлик концептининг турли тилларидаги тадқиқи ўрганилади. Шунингдек, саҳийлик концептининг таърифи, уни замонавий тилшуносликда ўрганишдаги ёндашувлари таҳлил қилинади.

**Калит сўзлар:** тилшунослик, концепт, саҳийлик, тил, маданият, қадриятлар, мақоллар, беғаразлик, олийжаноблик, хасислик.

Мазкур мақолада одамнинг бошқаларга беғараз ёрдам бериш, улар билан моддий ва маънавий неъматларни баҳам кўришга тайёрлиги ва қобилияти билан тавсифланадиган юксак маънавий-ахлоқий фазилати, инсонпарварлик, олийжаноблик, бахиллик ва худбинликдан холилик каби хислатларда намоён бўлиб, фақат моддий бойликлар билан улашишдагина эмас, балки ҳамдардлик, маънавий қўллаб-қувватлаш ва зарур бўлганда ўзини қурбон қилишда ҳам кўринадиган саҳийлик концептининг таърифи, уни замонавий тилшуносликда ўрганишдаги ёндошувларини таҳлил қиламиз.

Е.М. Неклюдова ўз ишида инглиз тили манзарасидаги саҳийлик концептини тадқиқ этиб, унинг лексик-семантик мазмуни ва маданий аҳамиятига алоҳида эътибор қаратади. Унинг фикрича, инглиз маданиятида саҳийлик ахлоқий ва маънавий устунлик билан боғлиқ фазилат сифатида қаралиб, тил материалида, жумладан фразеологизмлар ва барқарор ибораларда ўз аксини топади, улуғворлик ва альтруизм тусини олади [3, б. 166].

Бундан ташқари, инглиз тилида саҳийликнинг муҳим жиҳати сифатида ўзини фидо қилишга қодир шахснинг ижобий баҳоси билан боғлайнади, хусусан, *open-handed* ва *heart of gold* каби иборалар нафақат моддий неъматлар билан ўртоқлашишга тайёрликни, балки саҳийлик туйғуларнинг кенглиги ва самимийлиги сифатида тушуниладиган характер хусусиятларини тасвирлайди [3, б. 168].

Қўшимча равишда, Е.М. Неклюдова инглиз тили саҳийлик ва исрофгарчилик тушунчаларини ажратишга мойил эканлигини таъкидлайди, яъни, *generosity wastefulness*га қарама-қарши қўйилади. Шу тарзда инглиз лингвوماданияти саҳийлик ва оқилона тежамкорлик ўртасидаги мувозанатни сақлаш зарурлигини таъкидлайди, бу фарқни ахлоқий етук шахсга хос ижтимоий аҳамиятли хусусият сифатида белгилайди [3, б. 168]. Кўриниб тирибдики, инглиз тили манзарасида саҳийлик концепти нафақат инсоннинг ижобий фазилатларини акс эттиради, балки моддий неъматларга оқилона ёндашувнинг муҳимлигини ҳам кўрсатади.

З.А. Валиева инглиз тилидаги *hospitality* асосий лексемаси семантикаси ва унинг синонимик қаторини тадқиқ этиб, “меҳмондўстлик” концептининг хусусиятларини очиб берган. “Oxford English Dictionary” ва “Collins Cobuild Advanced Learner's English Dictionary” каби бир қатор луғатлар таҳлиliga таяниб, олима *hospitality* кенг маъноларни, жумладан меҳмонларни илиқ қабул қилиш, уларни зиёфат ва қулайлик билан таъминлаш, шунингдек дўстона муҳит ва тушлик ва совғалар алмашиш каби ижтимоий меъёрлар ва анъаналарга эътибор қаратишни қамраб олишини қайд этган [1, б. 18].

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, “меҳмондўстлик” концепти саҳийлик (*generosity*), мулоқотчанлик (*sociability*), самимийлик (*warmth*) ва хушмуомалалик (*affability*) каби фазилатларни ўз ичига оладиган меҳмонларга нисбатан очиқлик ва хайрихоҳлик маданий қоидаларни акс эттиради. З.А. Валиеванинг фикрича, инглиз тилида “меҳмондўстлик” семантик майдонини шакллантирувчи асосий элементлар уй (*house*), қувонч (*joy*), қариндошлар ва дўстлар, шунингдек урф-одатлар ва анъаналар тушунчалари ҳисобланиб, ҳам моддий, ҳам ҳиссий қўллаб-қувватлашни бирлаштиради [1, б. 19].

Пировардида, инглиз тилида “меҳмондўстлик” концепти меҳмонлар билан ўзаро муносабатларнинг маданий-ўзига хос хусусиятларини ифодаловчи кўплаб семантик компонентлар билан тавсифланади.

А.П. Уракова XIX аср Америка адабиётида ўша давр ижтимоий ва мафкуравий ҳолатида совғанинг рамзий ва ижтимоий-маданий ролини тадқиқ этаркан, уни бир қатор ижтимоий ва маданий масалаларни ҳал этиш учун фойдаланиладиган ўзаро муносабатларнинг асосий шакли сифатида кўриб чиқади. Совға концепти анъанавий айирбошлаш моделларига қарши қўйиладиган “соф совға мафкураси”ни – мажбуриятлар ва қарзлардан холи бўлган тушунчани ўз ичига олади. Олима бу концептнинг сентиментал адабиёт рамзийлиги ва услубияти орқали қайта ишланишини таҳлил қилиш жараёнида Америка маданияти учун совға хусусий ва ижтимоий ҳаёт вазиятида хайрихоҳликни ифодалаш усулига айланганлигини қайд этади [7, б. 3].

Алоҳида таъкидлаш керакки, сентиментал совға дискурси гендер ва ирқий жиҳатлар билан чамбарчас боғлиқдир. А.П. Уракова Рождество альманахлари ва сентиментал ҳикоялар мисолида “соф” совға ва унинг антиподи – “хавфли совға” ҳақидаги тасаввурларнинг таҳлили асосида, совға концепти иккиёқламалик ва амбивалентликни ўзида мужассам этишини очиб беради ҳамда яхшилик ҳам, лаънат ҳам бўлиши мумкин бўлган хавфли совға образи ёзувчиларга совға алмашиш тизимида хос бўлган зиддиятни тадқиқ этиш ва бу феномен қандай қилиб ижтимоий ва маданий меъёрларни акс эттиришини кўрсатиш имконини беради, дея таъкидлайди [7, б. 6].

Шундай қилиб, XIX аср Америка адабиётида совға нафақат сентиментал сюжет учун мавзу, балки ахлоқий ва фалсафий масалаларни қўйиш усули ҳам бўлган. Кўриниб турибдики, XIX аср Америка адабиётида совға концепти мураккаб ижтимоий ва маданий жараёнларни англаш воситаси ва бадиий усул сифатида хизмат қилган.

С.В. Светлованинг мақоласида саҳийликнинг рус ва инглиз тилларидаги аҳамияти лексикографик манбалар материалида кўриб чиқилади. Муаллиф кайд этишича, рус тилида саҳийлик очиклик, ҳам моддий, ҳам маънавий неъматлар билан ўртоқлашишга тайёрлик сифатида талқин қилинади, бу яхшилик ва меҳр-шафқатда намоён бўлади. Саҳий инсон беғараз ҳаракат қилади, мукофот кутмасдан бошқаларга ёрдам беради, бу рус адабиётининг кўплаб асарларида намоён бўлади [6, б. 478].

Инглиз манбаларини таҳлил қилар экан, С.В. Светлова Merriam-Webster ва Кембриж луғатларидан саҳийлик (*generosity*) нинг “яхшилик ва тушуниш намоиш этган ҳолда ёрдам беришга тайёрлик” таърифни келтиради. Саҳийликнинг инглизча концепцияси шунингдек худбинликдан озодликни ҳам ўз ичига олади, *generous* одам кенг фикрлилик ва олийжаноблик билан тавсифланади, у чекланганлик ва манфаатпараст мотивлардан холидир [6, б. 478-479].

Алоҳида таъкидлаш жоизки, инглиз, белорус ва рус тилларидаги саҳийлик ва очкўзлик номларининг қиёсий таҳлили бу фазилатларнинг ҳам универсал баҳолаш хусусиятлари, ҳам уларни қабул қилиш ва вербаллаштиришнинг маданий-ўзига хос хусусиятларидан далолат беради.

Н.А. Погребнаянинг ишида тил манзарасининг маданий аҳамиятли жиҳатларини акс эттирувчи антонимик концептларнинг ўзига хослиги хусусида сўз юритилади. Таҳлилда кўрсатилганидек, бу тиллардаги антонимик жуфтликлар ижтимоий ва когнитив стереотипларни узатишда катта роль ўйнайди, дунё ҳақидаги тасаввурларнинг баҳолаш ва функционал моделларини шакллантиради. Н.А. Погребная алоҳида эътиборни ҳар бир тил ва маданият учун муҳим бўлган тушунчаларни очиб берувчи жуфтликларга қаратган, масалан, рус тили учун ахлоқий ва жамоавий қоидаларни акс эттирувчи “озодлик – тобелик” ва “бой – камбағал”, инглиз тилида эса шахсий ютуқлар ва индивидуал муваффақиятга урғу берувчи “success – failure” ва “freedom – slavery” жуфтликлари [5].

Н.А. Погребная, шунингдек, маданиятлараро мулоқотда антонимик жуфтликларнинг прагматик ролини, карама-қаршиликларни концептуаллаштиришдаги фарқлар тил эгаларининг идрок этиши ва тушунишига қандай таъсир қилиши мумкинлигини очиб беради. Тадқиқот антонимларнинг қўлланиш частотаси, уларнинг семантик алоқалари, шунингдек адабий ва сўзлашув услубларида қўлланилиш хусусиятлари каби методологик жиҳатларни ёритади [5]. Шундай қилиб, рус ва инглиз тилларидаги антонимик концептлар бир қатор маданий-ўзига хос қадриятлар ва дунёқарашларни ҳамда ижтимоий ва когнитив мўлжалларидаги фарқларни ифодалайди.

Ю.Н. Интулова немис ва инглиз тилларида тежамкорлик (*thrift*) концепти қандай ифодаланиши ва талқин қилиниши кўриб чиқаркан, тежамкорлик, универсаллиги баробарлигида турли миллий қадриятларни акс эттиришига эътибор қаратади. Концепт ядровий, марказий ва периферик белгиларга таснифланган бўлиб, немис тили тежамкорликни кўпроқ тежаш ва ортиқча

нарсалардан воз кечиш билан характерланса, инглиз тили ресурслардан оқилона фойдаланиш ва мулкка оқилона муносабатнинг муҳим жиҳатларини ўз ичига олиши билан тавсифланади [2, б. 4-6].

Ю.Н. Интуловага кўра, инглиз тилидаги *thrift* концепцияси айниқса пул ва ресурсларга масъулиятли ёндашувга урғу беради, яъни прагматизм ва тежамкорликни акс эттиради. Немис тилидаги ўхшаш лексемалар (масалан, *die Sparsamkeit* ва *die Wirtschaftlichkeit*) соддалик ва маблағларни оқилона тақсимлашни ижтимоий маданиятнинг муҳим жиҳатлари сифатида таъкидлайди. Шунингдек, муаллиф экологик мавзунинг бу концептга қандай таъсир кўрсатишини таҳлил қилади, тежамкорликни нафақат шахсий, балки табиий ресурсларни сақлашга қаратилган ижтимоий қадриятга ҳам айлантиради [2, б. 12-13].

Хуллас, немис ва инглиз тилларидаги тежамкорлик концепти, баъзи маданий-ўзига хос хусусиятларга қарамай, тежамкорлик ва ресурслардан оқилона фойдаланишнинг универсал қадриятларини ўзида мужассамлаштиради, замонавий вазиятда эса экологик ўлчовни ҳам қабул қилади.

Шундай қилиб, таҳлилимиз натижаларидан келиб чиққан ҳолда, биз ўз тадқиқотимиз доирасида саҳийликка қуйидагича таъриф берамиз: саҳийлик – бу инсоннинг ўзга шахсларнинг фаровонлиги ва манфаатларини ўз манфаатларидан устун қўядиган, моддий ва номоддий ресурсларни беғараз равишда улашиш, бошқаларга ёрдам бериш ва қўллаб-қувватлашга доимий тайёр туришини англатадиган ижтимоий йўналтирилган хулқ-атвор ва шахс фазилати.

#### Адабиётлар рўйхати

1. Валиева З.А. Анализ словарных дефиниций ключевого слова номинативного поля концепта гостеприимство в английском языке. // Вестник Педагогического университета, по. 5 (88), 2020, pp. 17-21.
2. Интулова Ю.Н. Вербальная репрезентация лингвокультурного концепта «бережливость» в немецком и английском языках: автореф. дис. ... канд. филол. наук. Мытищи, 2019. – 226 с.
3. Неклюдова Е.М. Ключевые характеристики английской языковой картины мира, соотносимые с содержанием концепта щедрость. // Научный альманах. – 2017. – № 7-1 (33). – С. 166-168.
4. Носирова М. О. Черты национального характера и их представление в пословичной картине мира //Miasto Przyszłości. – 2024. – Т. 55. – С. 1664-1667.
5. Погребная Н.А. Антонимический концепт в русском и английском языках: автореф. дис. ... канд. филол. наук. – Минск, 2006.
6. Светлова С.В. Понятие щедрости и жадности в религиозном дискурсе. // Материалы пула научно-практических конференций. – Керчь, 2024.
7. Уракова А.П. Репрезентация дара в американской литературе XIX века: автореф. дис. ... д-ра филол. наук. – Москва, 2019. – 442 с.